

# International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria  
on October 20<sup>th</sup>, 2022.

[www.conferencepublication.com](http://www.conferencepublication.com)

---

## LAND DEGRADATION AND CAUSES OF ITS LOWERING

Қахҳоров Зафарбек Абдумуталиб ўғли

Specialization in ecology of ASU

2nd year master's degree

### Abstract

This article describes land degradation and its causes, main aspects, and ways to stop the land degradation process.

**Key words:** degradation, erosion, salinization, swamping, desertification, natural factors, anthropogenic factors.

## ЕРЛАРНИ ДЕГРЕДАТЦИЯСИ ВА УНИ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ

Қахҳоров Зафарбек Абдумуталиб ўғли

АДУ экология мутахассислиги

2 курс магистри

### Аннотация

Ушбу мақолада ерларни дегредатцияси ва уни юзага келиш сабаблари, асосий жихатлари ҳамда ерларни дегредатция жараёнини тўхтатиш йўллари ёритилган.

**Калит сўзлар:** дегредатция, эрозия, шўрланиш, ботқоқлик, чўлланиш, табиий омилла, антропоген омиллар.

Мамлакатда ерлар деградациясига қарши курашиш ва унинг салбий оқибатларини юмшатиш, ҳудудларда чўлланиш ва қурғоқчиликнинг олдини олиш, биохилмахилликни асраб қолиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, деградацияга учраган ерларни қайта тиклаш, ушбу йўналишдаги илғор илмий ишланмалар ва инновациялардан кенг фойдаланиш асосида минтақаларни барқарор ривожлантиришга эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 июндаги 277-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда ҳам ерларни дегредатция жараёнини олдини олиш вазифалари белгилаб берилган.

Ерлар сифатининг ёмонлашиш жараёни, улар ҳосилдорлигининг пасайиши – ерлар деградацияси дейилади. Қурғоқчил иқлим шароитида ерлар деградацияси кўп ҳолларда чўлланиш жараёнига ўтиб кетади, бунда ҳосилдор ер сахрога айланади.

# International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria  
on October 20<sup>th</sup>, 2022.

[www.conferencepublication.com](http://www.conferencepublication.com)

Ерлар деградацияси- тупроқнинг функциясини ўзгартирувчи, унинг хоссаларини сонини ва сифатини камайтирувчи, унумдорлигини пасайтирувчи ва йўқотувчи жараёнлар мажмуасидир.

Ерлар деградациясининг қуйидаги типлари мавжуд: технологик (узок муддат фойдаланиш натижасида); эрозия; шўрланиш; ботқоқланиш; ифлосланиш ва чўлланиш(1).

Чўлланиш – ўзлаштирилган унумдор суғориладиган ерларнинг ўсимликлари ва унумдорлиги йўқотилган сувсиз ва хаётсиз чўлга айланишидир. Ерлар деградация кўзга яққол ташланиши мумкин: -жарликлар ёки шўрхок ерлар; чорва юрадиган сонсаноксиз сўқмоқлар билан кесилиб кетган ҳеч нарса ўсмайдиган ёнбағирлар; ўрмонлари кесилган катта ҳудудлар; чанг бўронлари ёки ҳаракатланувчи қумлар кўринишида.

Ерлар деградация деярли сезилмайдиган бўлиши ҳам мумкин: -қайсидир участкалардаги ўсимликлар бошқаларига қараганда касал ёки заифроқ кўринади, ёки яйловлар бегона ўтлар билан қопланиб кетгани учун яроқсиз ҳолатга келади. Ерлар деградациясига 2 хил сабаб бўлиши мумкин: - табиий омиллар; - антропоген омиллар.

Ерлар деградациясини юзага келтирувчи табиий омиллар:

- курғоқчилик;
- рельеф;
- ёғинлар тақсимланишининг ўзига хос хусусиятлари;
- табиий ёнғинлар;
- сув тошқинлари ва ҳақозо.

Ёнғин натижасида нафақат ёши катта ўсимликлар нобуд бўлади, балки уларнинг уруғлари ҳам кулга айланади, тупроқда яшовчилар, уни ҳосил қилувчи бактериялар, ёмғир чувалчанглари ва бошқалар нобуд бўлади. Кучли ёнғинларда тупроқда йиғилган бошқа озиклантирувчи моддалар ҳам ёниб кетади ва тупроқ қашшоқлашади(2).

Ерлар деградациясини юзага келтирувчи сунъий омиллар:

- инженерлик коммуникациялар;
- сунъий ёнғинлар;
- нотўғри чорвачилик;
- режасиз дарахт кесилиши;
- нотўғри дехқончилик;
- нотўғри ирригация;

# International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria  
on October 20<sup>th</sup>, 2022.

[www.conferencepublication.com](http://www.conferencepublication.com)

---

- шаҳарларнинг кенгайиши;
- тоғ-кон саноати ва ҳакозо.

Инженерлик коммуникациялари қурилиши. Саҳрода йўллар, қувурлар, электр линияларини ўтказишда оддий эҳтиёткорлик чораларига амал қилмаслик ҳаракатланувчи кумлар ўчоғининг пайдо бўлишига олиб келади ва уларни кейин тўхтатиш қийин бўлади. Бунда, кумни ушлаб турувчи ер ости илдиз тўрларини йўқ қилинади, шамол эсиши натижасида оз-оздан ҳаракатланувчи барханлар пайдо бўлади. Чорвачиликни нотўғри ташкил қилиш. Чорвани ҳаддан ташқари кўп ўтлатишнинг ва чорванинг кўп ҳаракатланиши оқибати, яъни ер деградациясининг яна бир сабабидир. Режасиз дарахт кесилиши. Ўсимлик қопламга хавф солаётган яна бир нарса, хусусан ерлар деградациясининг сабаби – бу қурилиш материаллари ва ўтин учун дарахтларни кесишдир. Энг катта муаммо бу ерга бир хил экин экишнинг кенг тарқалганлиги. Минерал ўғитлардан нотўғри фойдаланиш ўз навбатида ердаги табиий чириндилар миқдорини камайтиради, тупроқ ҳосилдорлиги ҳам пасаяди(4).

Табиий чириндини микроорганизмлар – турли микроблар, бактериялар, чувалчанглар ва бошқалар ҳосил қилади. Микроорганизмлар бажарадиган ишни инсон, бир хил экинни экиб, микроорганизмларни йўқ қилган ҳолда, минерал ўғитлар билан алмаштиришга ҳаракат қилади. Шаҳарларнинг кенгайиб бориши Шаҳарларнинг ривожланиб кенгайиши жуда катта ҳудудларни эгаллаб қўяди. Қурилиш, чиқинди ташлаш, йўллар ва қувурларни ўтказиш учун катта майдонлар керак бўлади. Шаҳар саноати ҳавога турли моддаларни чиқаради, улар тупроқда тўпланиб, уни заҳарлайди. Тоғ-кон саноати ерлар деградацияси жараёнларига сезиларли ҳисса қўшади. Катта ҳудудларни эгалловчи карьерлар ва ағдарилган тупроқ қатламлари ўз чиқиндилари билан тупроқни ифлослантиради(3).

Суғориладиган ерларда деградацияга қарши кураш йўлларида бири дуккакли ўсимликлардан фойдаланган ҳолда алмашлаб экишдир. Алмашлаб экишнинг фойдаси шундаки, экинларни тўғри танлаш ва навбатлашни органик ва минерал ўғитларни сепиш билан бирга олиб бориш тупроқдаги органик модданинг ҳосил бўлиш ва парчаланиш жараёнларини тартибга солишга, унинг етарли даражадаги мувозанатига эришишга ёрдам беради.

## Фойдаланган адабиётлар

1.Хамидов М.Х., Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.Б. “Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси”. Тошкент. Шарқ. 2008. -408 бет.

# International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria  
on October 20<sup>th</sup>, 2022.

[www.conferencepublication.com](http://www.conferencepublication.com)

---

2. Хамидов М.Х., Шукурлаев Х.И., Лапасов Х.О. “Қишлоқ хўжалик гидротехник мелиорацияси” фанидан амалий машғулотларни бажариш бўйича ўқув қўлланма. Тошкент. 2014. -233 бет.
3. Рахимбаев Ф.М., Хамидов М.Х. “Қишлоқ хўжалиги мелиорацияси”. Ташкент. Меҳнат. 1996. -328 бет.
4. Артукметов З.А., Шералиев Х.Ш. “Экинларни суғориш асослари”. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси ДИН. 2006. -344 бет.

